



ALISHER NAVOIY
NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK
KAFEDRASI**

**"ADABIY MANBASHUNOSLIK VA
MATNSHUNOSLIKNING
DOLZARB MUAMMOLARI"
MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMANI MATERIALLARI**

**TOSHKENT SHAHRI
9-NOYABR 2022-YIL**



MUNDARIJA

I ШЎБА.	
МАТНШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
O'ZBEK MATNSHUNOSLIGI SHAKLLANISHINING TARIXIY ILDIZLARI	3
<i>Shuhrat Sirojiddinov</i> <i>Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU ekitori, filologiya fanlari doktori, professor.</i>	
АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК ФИЛОЛОГИК ФАН СИФАТИДА	10
<i>Rashid ZOKHIDOV</i> <i>filologiya fanlari doktori, Alisher Navoiy nomidagi ToшдўТАУ Matnshunoslik va adabiy manbashaunoslik kafedrasи mudiri</i>	
"ОЛТУН ТУСЛИ ЁРУФ" АСАРИНИНГ УЗИНДИ НУСХАСИ	13
<i>Kosimjon CODIKOV</i> <i>Toшдшу профессори, filologiya fanlari doktori</i>	
OQQO'YUNLI MUXLISLAR DEVONIDAN O'RIN OLGAN "FIROQ" RADIFLI G'AZALLARNING MATNIY XUSUSIYATLARI	20
<i>Dilnavoz Yusupova</i> <i>Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU professori, filologiya fanlari doktori</i>	
NAVOIY QO'LYOZMALARINING JORIY IMLOGA TABDILI USTIDA OLIB BORILGAN HARAKATLAR TAHLILI	27
<i>Manzar ABDULXAYROV</i> <i>Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU Matnshunoslilik va adabiy manbashaunoslik kafedrasи dotsenti, filologiya fanlari doktori</i>	
ЛИТЕРАТУРНЫЕ КРИТИКИ О ПОЭМЕ МУИЗЗИ	33
<i>Ramazon Abdullaev</i> <i>Термезский государственный университет Заведующая кафедрой таджикской филологии и восточных языков</i>	
"ГУЛШАНУЛ-АСРОР" ВА "МАЖМА'УЛ-АХБОР" АСАРЛАРИ МАТНИ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ	39
<i>Jўraev Jamoliddin Amirkhonovich</i> <i>Жиззах давлат педагогика университети филология fanlari nomzodi, Ўзбек тилини ўқитиш методикаси кафедраси доценти</i>	
"PADARKUSH"NING NASHRLARI VA UNING TALQINI	44
<i>Normurod AVAZOV</i> <i>Toshkent davlat san'at va madaniyat instituti dotsenti, filologiya fanlari nomzodi</i>	



МУҲСИНИЙ ШЕЪРИЯТИДА МУАЛЛИФ ТАҲРИРИ МАСАЛАСИ	150
Тўхтамуратов Фурқат Сафармурадович Алишер Навоий номидаги Тошдўтау Ўзбек адабиёти тарихи кафедраси ўқитувчиси	
XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК МАТБУОТИДА МУВАШШАҲЧИЛИККА ДОИР АДАБИЙ МУНОЗАРАЛАР	156
<i>Майдинова Арофатой Уриновна</i> Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси	
ЯҲЁБЕЙ ТОШЛИЖАЛИ "ГУЛШАН УЛ-АНВОР" ДОСТОНИНИНГ МАНБАЛАРИ	160
<i>Диёра Абдужалилова</i> Мустакил тадқикотчи	
VIII – XIII АСРЛАРДА ХОРАЗМ АДАБИЙ МУХИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ	164
<i>Азамат АТАЕВ</i> Тошдўтау таянч докторанти, Матниунослик ва адабий манбашинослик кафедраси ўқитувчиси	
ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ВА РАШИДУДДИН ВАТВОТ АСАРЛАРИ МАНБАЛАРИ	171
<i>Азамат АТАЕВ</i> Тошдўтау ўқитувчиси, Матниунослик ва адабий манбашинослик кафедраси таянч докторанти	
СУЛАЙМОН БОҚИРГОНИЙ МЕъРОЖНОМАСИ ВА УНИНГ МАТНИЙ ТАҲЛИЛИ	183
<i>Турдиев Жаҳонгир Зафариiddин ўғли</i> Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти	
Сўфи девонининг илмий-монографик тавсифи	179
<i>Сайджанова Зебо Комиловна</i> Урганч давлат университети	
MUMTOZ MATNLARDA HIKOYAT JANRI VA UNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	188
<i>Sulaymanov Zaxiriddin O'rol o'g'il O'zbekiston Milliy universiteti tayanch doktaranti</i>	



МУҲСИНИЙ ШЕЪРИЯТИДА МУАЛЛИФ ТАҲРИРИ МАСАЛАСИ

Тўхтамуратов Фурқат Сафармурадович

Алишер Навоий номидаги Тошдўтау

Ўзбек адабиёти тарихи кафедраси ўқитувчisi

+998977748250, toxtamuradov81@gmail.com

Ушбу мақолада Кўқон адабий мухити вакили истеъодли шоир Хусайнкули Муҳсинийнинг қўлёзма девони матншунослик асосида тадқиқ қилинган. Девонни кўчириши жараённida муаллиф таҳrir ва тузатишларини қандай шаклларда амалга оширгани аникланган. Ушбу таҳrirlar амалга оширилган қўлёзма манбалар таҳлилга тортилган ва иммий хulosалар чиқарилган.

Калит сўзлар: *девон, таҳrir, табдил, газал, байт, нашр нусха, қиёсий таҳлил.*

Abstract

In this article, the manuscript *divan* of the talented poet Husaynquli Muhsini, a representative of the Kokan literary environment, is studied on the basis of textual studies. In the process of copying Devon, it was determined in what forms the author made edits and corrections. Manuscript sources where these revisions were made were analyzed and scientific conclusions were drawn.

Key words: *devon, conversion, ghazal, byte, published, copy, comparative analysis.*

Хусайнкули Муҳсиний XIX аср охири – XX аср бошларида Кўқон адабий мухитида ижод қылган соҳибидевон шоирларидан биридир. Шоирнинг лирик асарлари жамланган “Барҳаёт гулшан” девони жорий алифбода нашр қилинган. Девонга *газал*, *мустазод*, *муҳаммас*, *мусаддас*, *мусамман*, *таржесъанд*, *нома*, *қасида*, *тарих ва рубоий* каби мумтоз адабиётимизда фаол қўлланилган лирик жанр намуналари киритилган. Муҳсиний девонининг тўртта қўлёзма нусхаси бизгача стиб келган. Мазкур девонларнинг учтаси дастхат нусха эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Муҳсинийнинг “Гулшани жовид” деб номланган биринчи девони ва унинг иккинчи қўлёзма нусхаси ҳозирги кунда шоирнинг Кўқон шаҳрида яшовчи еваси Нуриддинов Мадаминжон аканинг шахсий кутбхонасида сакланади. Учинчи нусха 1915-1916-йилларда хаттот Мулло Абдуллајон маҳдум домулло Али Охунд ўғли Хўжандий томонидан кўчирилган бўлиб, Кўқон адабиёт музейида 4303 ашё рақамида тартиблangan. Муаллифнинг сўнгти тузатишлари ва таҳrirlari асосида 1917-йилда кўчирилган дастхат нусха ЎзРФАШИ 7392 ашё рақамли қўлёзма асос қилиб олинган. Нашр қилинган девон таркибидаги шеърларни қўлёзма нусха билан қиёслаганимизда муаллиф томонидан турли хил шаклларда таҳrirlar амалга оширилгани аён бўлди. Бирламчи қўлёзма манбалар билан нашр варианти қиёслаш матншунослик ва адабиёт тарихи бўйича янги таҳлил ва талқинларни юзага келтиради.

Профессор Нурбой Жабборов тўғри таъкидлаганидек, “матншунослик изланишлари бўлмаса, адабиётшунослик тадқикотлари аксар ҳолларда ўз аҳамиятини йўқотади. Агар адабий манбани яхлит бир иморатга қиёсланса, матншунослик унинг пойдеворидир.

Адабиётшунослик ана шу пойдевор устига қурилмоғи зарур. Акс ҳолда у пойдеворсиз иншоот сингари омонат бўлиб колади”¹⁵⁷.

Матн таҳрири ҳакида матншунос А.Эркиновнинг кўйидагича ёзди: “Матн таҳрири-матннинг муаллифи ёки кўчирувчи томонидан муайян мақсадга қаратилган ўзгартерилиши. Бунда асар мазмунан ёки шаклан қайта ишланиши мумкин”¹⁵⁸. Муҳсиний девони нусхалари ичida ФАШҚИ 7392 ашё рақами остида сақланаётган дастхат қўллэзама шоирнинг сўнгти таҳрири натижасида кўчирилгани билан қимматлидир.

Матншунос Ш. Нуриддинов “Комил Хоразмий девони манбалари генеалогияси ва матн танқиди муаммоси” монографиясида Комил девонини кўчириган котиблар таҳририни кўйидагича таснифлайди: “1. “Нусха” (نسخہ) изоҳи билан тузатишлар. 2. “Қанотча” белгиси (Қ) билан тузатишлар. 3. Ҳ ва Ҷ ҳарфлари билан тузатишлар. 4. Мисралар тартибининг тузатилиши. 5. Белгисиз шаклда амалга оширилган тузатишлар”¹⁵⁹.

Мазкур, тамойилларнинг айримлари Муҳсинийнинг 7392 ашё рақамли қўллэзма девон матнида ҳам учрайди. Муаллиф ушбу девонини кўчириш давомида айрим сўз, бирикма, мисра ва байтларни хаттотлик тамойилларига мувофиқ тарзда таҳrir қилган. Бу жараёнда муаллиф матн саҳифаларида таҳrir ва тузатишларда эски ўзбек алифбосидаги айрим ҳарф, сўз ва рақамлардан фойдаланган. Муҳсиний девонини қайta кўчириш жараёнда амалга оширган таҳrir ва тузатишларни шартли тарзда кўйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

- 1) ҳ (Ҳ) ва м (ມ) ҳарфлари асосидаги тузатишлар;
- 2) шеърлар таркибидағи сўзлар, сўз бирикмаларга (‘, ՚, ՚, ՚) тарзида рақам қўйиш билан амалга оширилган таҳrir ва тузатишлар;
- 3) ғазаллар мисралари, байтларини (‘, ՚, ՚, ՚) рақамларини қўйиш орқали таҳrir ва тузатишлар;
- 4) мисралар тартибини тузатилиши.

Мумтоз шоирларимиз ижод намуналарини кўчириган котиблар хато битилган сўз ва мисраларни устига чизиши ёки ўчириши номақбул кўришган. Чунки саҳифалардаги сўзлар, мисра ва байтлар устига чизиб, ўчириб хатоси тўғриланган матн ўзининг мўтабарлигини йўқотган. Шу сабаби матн саҳифаларида хато битилган сўзлар юкорисига турли хил белгилар, рақамлар ва ҳарфлар қўйиш билан хатони тузатганлар. Бу орқали котиблар матн саҳифасини бўяш, чизиш, ўчиришдан сақлаган.

1. Ҳ (Ҳ) ва м (ມ) ҳарфлари асосидаги тузатишлар. “Хаттотлик санъатида бир мисрада келган сўзларнинг кетма-кетлиги бузилганда котиб томонидан ушбу сўзлар устига

¹⁵⁷ Жабборов Н. Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳакиқат мезони// Илмий мақолалар тўплами: Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2020. – Б.51.

¹⁵⁸ Эркинов Афтондил. Матншунослик ва манбашунослик асослари (кулланма). –Т., 2019, 82 б.

¹⁵⁹ Нуриддинов Ш. Комил Хоразмий девони манбалари гениалогияси ва матн танқиди муаммоси. – Т.: “Fan va ta’lim” нашриёти, 2022.-203 б.



Ҳ ва м ҳарфлари (м –муқаддима; ҳ – охир) шаклидаги белги қўйилади ва уларнинг ўрни алмаштириб ўқилишига ишора қилинади¹⁶⁰.

7392 ашё рақамли қўлёзманинг 32^б бетида “Қароқўз” радифли 7 байтли ишқий мавзудаги ғазал бор. Ушбу ғазал Муҳсинийнинг нашр килинган “Барҳаёт гулшан” девонига киритилмаган. Ғазал таркибидаги 4-байтнинг 2-мисрасида келган “нечা” ва “бизга” сўзлари кетма-кетлиги хато ёзилган. Котиб хатони тўғрилаш учун ўрни алмасиб ёзилган сўзлар устига ҳ (ҳ) ва м (м) ҳарфларини қизил сиёҳ билан битган.

Ушбу тузатиш асосида байт тўғри ўқилиши таъминланган. Қўлёзмада байт куйидагича битилган:

ایلادینک نچه ٰ بزکا ٰ مارتبه بلغان وعده

يقمو حسن اهليدا بير ڏرہ وفا ايقرا¹⁶¹ کوز

Юқоридаги мисрадаги қизил рангдаги ҳ ва м ҳарфлари хато ёзилган сўзларни тўғри ўқиш учун қўйилган. Биз ушбу белгиларга амал килган ҳолда байтни шундай ўқиймиз:

Айладинг бизга неча марта ба ялғон вада,

Йўқму ҳусн аҳлида бир зарра вафо, эй қароқўз.

Қўлёзманинг 14^б сахифасида келган “Айласа” радифли 9-байтли ғазал нашр килинган девон таркибида йўқ. Ушбу ғазал мақтаъсими котиб техник хато туфайли 8-байтда битиб қўйган, сўнг тушириб қолдирилган байтни ёзган. Муаллиф мақтаъ устига ҳ-ҳ (oxir) ҳарфини, кейинги мисра устига м-м (muқаддам) ҳарфини қизил сиёҳ билан битиш орқали хатони тўғрилаган.

7392 қўлёзмада бундай битилган:

رُوشْن اولغاي محسني سام غمینك هم بر کونى كيم شب هجرانينگ اچره ماه تابان اوينسا

الله جانم نى نه غُم غمزه بلان جلاَد کوز تېركوزار هم لفظ شيرين ايله جانان اوينسا¹⁶² م

Биз юқорида қўйилган белгилар асосида байтни куйидагича ўқидик:

Олса жонимни не ғам, ғамза билан жаллодқўз,

Тиргузар ҳам лағзи ширип ила жонон ўйнаса.

Равшан ўлгой, Муҳсиний, шоми ғаминг ҳам бир куни,

Ким шаби ҳижронинг ичра моҳи тобон ўйнаса.

2. Шеърлар таркиbidаги сўзлар, сўз бирикmalарга (۱,۲,۳,۴) тарзида рақам қўйиш билан амалга оширилган таҳxир ва тузатishlar. 7392 ашё рақамли қўлёзманинг 51^а бетида “Этting” радифли ишқий мавзудаги 9 байтли ғазал киритилган. Ушбу ғазал таркиbidагi 6 байтида муаллиf “эл aro” бирикmasini ҳosияda “aқlim olib” тарзида таҳxир килган. Мазкур ғазал Муҳsinийnинг жория алифбодаги “Барҳаёт гулшан” девoniga киритilgan, bироq 6-bayttagi aйrim sўzlar ўrni almashtiриlib kuyidagicha ўkilgan:

Айб эмас ҳалқи жаҳон айласалар афсонам,

Бадали ақлим олуб телбаю Мажнун этting¹⁶³.

¹⁶⁰ Навоий, Алишер. Лайли ва Мажнун. Илмий-танқидий матн. Таъёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1956. – Б.224.

¹⁶¹ Муҳsinий. ЎзР ФА ШИ. Инв №7392 32^б бет.

¹⁶² Муҳsinий. ЎзР ФА ШИ. Инв №7392 14^б бет.

Нашрда биринчи мисра тўгри ўқилган бўлса-да, иккинчи мисрадаги сўзлар ўрни алмаштирилиб табдил килинган. Қизил сиёҳ билан таҳрир қилинган сўзларни нотўгри тушунилган. Шу сабали байт нокис ва мазмун тушунарсиз бўлиб қолган.

7392 ашё рақамли кўлёzmада қуйидагича битилган:

عیب ایماس ایلاسه لار خلق جهان افسام

ایل ارا^{۱۶۴} عشقینگ ایله تلبه مجنون ایدن بىگ

Муаллиф томонидан ўзгартирилган “эл аро” бирикмаси юкорисига қизил сиёҳда 1-1 рақами кўйилган. Ҳошияда эса “ақлим олиб” اقليم آلوپ бирикмаси битилган. Аслида “эл аро” бирикмаси ўрнига “ақлим олиб” сўзларини кўйиб ўқиши керак эди. Бизнингча, байт юкорида келтирилган тузатишлар асосида қуйидагича ўқилса шакл ва мазмун мутаносиб бўлади:

Айб эмас айласалар халқи жаҳон афсонам,

Ақлим олиб шиқинг ила телбаю Мажнун этдинг.

Кўлёzmанинг 58^a бетида “Ўлмишам” радифли 9-байтли ғазал бўлиб, нашрга киритилмаган. Ғазалнинг 2-байтинг 1-мисрасидаги сўнгги “дилрабо” сўзи шоирга маъкул келмаган, сўзнинг юкорисига қизил сиёҳда^۱ белиси кўйилиб, ҳошияда эса қизил сиёҳ билан “Юсуф мисол” یوسف مسال сўзини битган. 7392 ашё рақамли кўлёzmада ушбу байт бундай ёзилган:

خیره اولدی کوزلاریم يغلاب سنکا ای دلربا^{۱۶۵} کلبمی یعقوب بنکلخ بت الا حزان اتمشم

Байтнинг иккинчи мисрасида Яъқуб пайғамбар ва унинг сифати “байт ул-эҳzon” (гамлар уйи) бирикмаси кўланиши биринчи мисрада ушбу ҳолат сабабчиси Юсуф алаҳиссалом номини келтиришни тақозо этади. Шоир ушбу мантиғдан келиб чикиб, “эй дилрабо” сўзини Юсуф мисол сўзига ўзгартирган ва байт мазмунини таъсирили бўлишига эришган. Мазкур таҳрирга асосланиб байтни қуйидагича табдил қилдик:

Хийра ўлди кўзларим ийглаб санго эй, Юсуф мисол,

Кулбами Яъқуб янглиғ байт ул-эҳzon этмишам.

Кўлёzmанинг 85^a бетда нашрга киритилмаган 11 байтли “Йўқ” радифли ғазалнинг 3-байтининг 2-мисраси муаллиф томонидан таҳрир қилиниб ҳошияда битилган. Қўлёzма матнида байт шундай ёзилган:

اسیر اولما سمو عالم اول کمند جعد زلفیغه^{۱۶۶} قویارشکر لبیغه دانه جالی بلان دامی

Вароқнинг ҳошиясида (۱) белгиси остида котиб қуйидагича мисрани таҳрир қилинган шаклини ёзган: کی قویسه شکر لب خال خط دین دانه دامی.

“Кўёр шакар лабига донаи холи билан доми” мисраси “Ки қўйса шаккарин лаби холу хатдин донау доми”, шаклида ўзартирилган.

Ушбу таҳрир асосида байтни қуйидагича табдил қилдик.

Асир ўлmasму олам ул каманди жсаъди зулғиға,

^{۱۶۲} Мұхсиний. Девон. Барҳаёт гулшан. 2008. Фарғона. 59-бет.

^{۱۶۳} Мұхсиний. ЎзР ФА ШИ. Инв №7392 51^a бет.

^{۱۶۴} Мұхсиний. ЎзР ФА ШИ. Инв №7392 58^a бет.

^{۱۶۵} Мұхсиний. ЎзР ФА ШИ. Инв №7392 85 бет.



Ки қўйса шаккарин лаби холу хатдин донаю доми.

3. Газаллар мисраларига, байтларига (۱,۲,۳,۴) рақамларини қўйиш орқали таҳрир ва тузатишилар.

“Барҳаёт гулшан” девони таркибида 53-бетда ва 7392 ашё рақамли қўлёzmанинг 47^a саҳифасида келган 10 байтли илм-матрифат мавзуси ифодаланган газалнинг 2 мисраси таҳрир қилиниб ҳошияда битилиб, қизил сиёҳда (۱-1) рақами қўйилган.

Мазкур байт 7392 ашё рақамли қўлёzmадан қўйидагича битилган:

اصلی ۱ دور آنی همان تیره خذف علم آداب الله انسانه شرف
یوقسه اسلی آنی برتیره خذف^b

Қўлёzма матнида икнич мисра: “Аслидур они ҳамон тийра хазаф” тарзида битилган бўлиб, асли сўзининг юкорисига қўйилган (۱) рақами ҳошияда мисра “Йўқса асли они бир тийра хазаф” шаклида таҳрир қилиниб, ёзилганини билдиради. Қўлёzма матнида ифодаланган фикр услубан ғализ, мазмунан мавхум бўлиб қолган. Шу боис, дастлабки мисра мазмунига ҳамоҳанглик йўқолган. Таҳрир қилинган байт шакл ва мазмун жиҳатдан мутаносиблик касб этган. Нашрда қўйидагича тўғри ўқилган:

Илму одоб ўла инсона шараф,
Йўқса асли они бир тийра хазаф^c.

Девонни кайта кўчириш жарёнида муаллиф беихтиёр 10 байтли газални 8 байт шаклида битган. Натижада газалнинг 5-6 байтлари тушиб қолган. Хатони тузатиш учун шоир матнидаги 6- байтнинг биринчи мисраси устига (۱-1) ва иккинчи мисраси устига (۲-2) рақамини қизил сиёҳда битиши орқали саҳифа четига ёзилган байтларга ишора килган. Ҳошияда эса тушириб қолдирилган (۱-1) рақами остида 5-байтни ва (۲-2) рақами юкорисида 6-байтни ёзган. Мазкур газал жорий алифбодаги “Гулшани жовид” девонида тўғри ўқилиб табдил килинган. 7392 ашё рақамли қўlёzmанинг 27^a бетида 5-6 байт қўйидагича китобат қилинган:

خم قلیب الف قنیم حمل بار هجرانینک
تاتچوکب غم در دینک شد نیده افغانلار
اولدی غرقه بو چسمیم سیل اشک موجین
تو توکوسی سینی آجر قانلوچشم گربانلار^d

Хам қилиб алиф қаддим ҳамл бори ҳижронинг,
То чекуб ғаму дардинг шиддатида афгонлар.
Үлди ғарқа бу чаимим сели ашқ мавжидин,
Тутгуси сени охир қонлу чаими гирёнлар^e.

4. Мисралар тартибини тузатилиши. Қўlёzmанинг 27^b саҳифасида *re* (ر) харфи билан тугаган 7 байтли газалнинг 1-2 байтлари устун шаклида ёзилган. Матнда байтлар параллел ёзилиб, шу тартибда ўқилиши лозим эди. Котиб техник жиҳатдан йўл қўйган хатосини тўғрилаш учун горизантал шаклда мисралар бошига (۱-1), (۲-2), (۳-3), (۴-4)

¹⁶⁷ Мұхсиний. Девон. Барҳаёт гулшан. 2008. Фарғона. 53-бет.

¹⁶⁸ Мұхсиний. ЎзР ФА ШИ. И nv №7392 27^a бет.

¹⁶⁹ Мұхсиний. Девон. Барҳаёт гулшан. 2008. Фарғона. 26-бет.

рақамларини қўйиш орқали ғазал байтларини тўғри ўқилишини таъминлаш баробарида, матн саҳифасини чизиш ва бўяшдан сақлаган. Мана ўша мисралар:

1. йозум сарбийлиғи кунглум дағқи дрди нена днандо ³ 2. салуб бойнумге طوق бнде لیغ قمرى کбى نالان
¹⁷⁰ 3. йوق бар اولغаниم آغزى ايله موى ميان دنдор ⁴ 4. نزاكت کاشنیده قامتى سرو رو واندن دور

Юзум сориглуги кўнглумдаги дарди ниҳондандур,

Йўқу бор ўлғоним оғзи ила мўйи миёндандур.

Солуб бўйнумга тавқи бандалиғ, қумри каби нолон,

Назокат гулшанида қомати сарви равондандур¹⁷¹.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайнқули Муҳсиний истеъодли шоир бўлиш билан бирга моҳир ҳаттот ҳам эди. Адид девонини турли йилларда кўчириш жараёнида янги ижод намуналарини ҳам киритиб борган. “Гулшани жсовид” девонинг сўнгти нусхасини кўчириш жараёнида айрим ғазаллар таркибидаги сўзлар, сўз бирикмалари ва мисраларни асосли тарзда таҳрир қилган. Шу боис шоир ғазаллари мазмуни ва таъсири ошган. Ушбу таҳрирлар матншунослиқда бирламчи манба устида амалга оширилган муаллиф таҳрирининг ёрқин намунасидир. Шунингдек, муаллиф беихтиёр қилган хатоларини ҳам моҳирлик билан тузатиш баробарида, лирик асарларининг теран маъно ифодалашини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Муҳсиний. Девон. Барҳаёт гулшан. Фаргона. 2008. – 168 б.
2. Муҳсиний. ЎзР ФА ШИ. Инв №7392.
3. Навоий, Алишер. Лайли ва Мажнун. Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1956. – Б.224.
4. Жабборов Н. Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳакиқат мезони// Илмий мақолалар тўплами: Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2020. – 540 б.
5. Эркинов А. Матншунослик ва манбашунослик асослари (қўлланма). –Т., 2019. – 82 б.
6. Нуриддинов Ш. Комил Хоразмий девони манбалари гениалогияси ва матн танқиди муаммоси. –Т.: “Fan va ta’lim” нашриёти, 2022. – 203 б.

¹⁷⁰ Муҳсиний. ЎзР ФА ШИ. Инв №7392 27⁶ бет.

¹⁷¹ Муҳсиний. Девон. Барҳаёт гулшан. 2008. Фаргона. 27-бет.